



Сулаймон Конуний (1494 йил 6 ноябрь - 1566 йил 5/6 сентябрь)- усмонийлар хукмдори (1520 - 1566).

Отаси Салим ва-фотидан сўнг тахтга чиккан. Сулаймоннинг хотини Роксолана (Анастасия Лисовская) султоннинг бошка хотинидан бўлган ўгилларини йўқотиб, ўгли Салимнинг тахтга чиқиши учун кўплаб фитналар уюштирди. Шунингдек, султон синглисининг эри - вазири аъзам Иброхим пошшо Паргалий (1532 - 1536) унинг фитнаси туфайли бўғиб ўлдирилди. Ўрнига кўеви Рустам пошшо (1544-1553, 1555 - 1561)ни ўрнатди. Рустам 1553 йили Роксоланага султоннинг черкас хотини Мохидаврондан бўлган суюкли ўгли Мустафони йўқ қилишга ёрдамлашди. Мустафо ва унинг ўгиллари султоннинг кўз олдида катл этилди. Салим тахт вориси бўлиб колди. Бирок 1558 йили Роксолана вафот этгач, унинг бошка ўгли Боязид 1559 йили исён кўтарди. Исёнчи кўшини султон кўшини томонидан мағлуб этилди, ўзи эса Эронга кочиб ўтди. Шох Тахмосп I у ни 400 000 олтин эвазига султонга тутиб берди. 1461 йили исёнчи Боязид катл этилди, шунингдек, 5 ўгли хам (энг кичиги 3 ёш эди) ўлдирилди. Султон Сулаймон

1566 йили вафот этган.

Салим 1 43 ёшида навбатдаги юриш пайтида вафот этганди. 1520 йили тахтга ўгли Сулаймон ўтирди. У ишни XV аср охирларидан боскин уюштирилаётган Венгрияга хужум қилишдан бошлади. Венгрия устидан галаба туркларга Марказий Европага йўл очиш билан бирга муҳим савдо магистралаи хисобланган Дунай дарёси устидан назорат ўрнатишга хизмат қиларди.

1521 йили турклар ўшанда Венгрия қироллигига қарашли Белградни қамал қилишди. Шаҳар гарнизони туркларнинг 20 га яқин хужумини қайтарди. Дунай дарёси соҳилларига мустақкам ўрнатилган тўплар шаҳарни тинимсиз ўққа тутди. Шаҳарда бор-ўғи 400 жангчи қолганда химоячилар таслим бўлди. Асирларнинг кўпчилиги ўлдириб юборилди. Белград олинган, Сулаймон I Венгрияга юриш қилишни бироз кечиктирди. У 10 минг кишини жойлаган 300 та кемада Родос оролига хужум қилди. Родос рицарларининг харбий кемалари Истанбулни Арабистон яриморали билан боғлайдиган худудпарда турк кемаларига хужум қилди. Турклар Родосга 1522 йил июль ойи охирида тушишди. Орол жуда қаттиқ қаршилик кўрсатди, турклар қатта талафот кўришига қарамасдан қамални давом эттиришди. Фақатгина Сулаймон I 100 минг кишилик кўшин билан ёрдамга етиб келганда, турклар галабага эришди. 1522 йил декабрида қалъа таслим бўлди, бироқ уруш туркларга қимматга тушди. Улар 50 минг аскардан айрилди. Яничарлар Родосни ер билан яқсон этишди, султон эса Мехмет II нинг биродарқушлик қонунига риоя этишга қиришди. Сулаймон I шаҳарда Боязид II нинг жиёни (акаси Жомнинг ўгли) яширинганини билиб, уни топиб ёш ўгли билан бирга ўлдириб юборишни буюрди.

1524 йили турк флоти Жиддадан йўлга чиқиб, Кизил денгизни португаллардан тозалашди.

1525 йили Киликия дехқонлари галаёни бошланиб, султон кўшинларига зарбалар беришди. Сивасгача бўлган ерларни қўлга қиритишсада, 1526 йили кўзғолон бостирилди. Ўша йили Малатия туманидаги кўзғолонда 30 мингга яқин киши қатнашди. Улар исённи бостириш учун юборилган султон кўшинини тор-мор этишди. Қарамон бейларбейи кўзғолон раҳбарларига ерларини қайтариб яна бир қанча имтиёзлар бергангина, исён бостирилди. Фақат таслим бўлмаётган кўзғолонни давом эттирганларгина қўлга туширилиб қатл этилди.

1526 йили августда қизилбош Сулун ва Бобо Зуннун бошлиқ қишлоқ исён қўтарди. Исёнчилар Қарамон бейи кўшинини тор-мор этишди, Қайсери ва Токат худудини қўлга қиритишди. Пекин 1526 йил сентябрда Сивас ноибини уларни мағлуб этди. Кўзғолончилар бошлиғи Бобо Зуннун жангда қалок бўлди.

Орадан кўп ўтмай Киликияда исён бошланди. Бу ерда Қаландар Чалабий бошлиқ 30 минг киши бош қўтарди. У ўзини Қаландаршоҳ деб номлади. 1527 йил ёзида Анатолия бейларбейи кўшини исёнчилар томонидан тўлиқ мағлуб этилди. Пекин Қаландарга қўшилган айрим иқтдорлар султон кўшинига хизмат қилиб уни тутишга қўмақлашишди. Қаландар бўлинмалари қал қилувчи жангда тор-мор қелтирилди, ўзини асирга олиб қатл этишди. Бундан ташқари, Адана 5 минг кишилик кўзғолон қўтарилди ва тез орада

бостирилди.

1526 йил апрелида турк кўшини (100 минг жангчи ва 300 тўп) дехконлар норозилиги ва феодаллар фитнаси камраб олган Венгрияга юриш бошлади. Бир неча юз яничарлар чиккан кемалар Дунай бўйлаболга интилиб, куруклик кўшинларига йўл очишди. Венгер катта ер эгалари дехконлардан шунчалик каттик кўркишардики, душман билан урушиш учун уларни куроллантиришмади. 1526 йилнинг июлида турклар Петерварадин калъасини камал қилишди. Улар девор тагини кавлаб портлатишга муваффақ бўлишди. Девор кулаган ердан ёриклар очилгач, турклар калъага хужум бошлади. Петерварадин ишгол қилинди. Тирик қолган 500 нафар химоячи қатл этилди. 300 нафар киши қулга айланди.

Венгриядаги энг мухим жанг Дунайнинг ўнг қиргоғидаги текисликда - Мохач шаҳри олдида 1526 йил 29 август куни юз берди. Венгер армияси турклардан анча кам эди. Уларда 25 минг жангчи ва 80 та тўп бўлган. Венгерлар Трансильваниядан келаётган венгер магнати Янош Запольяи кўшинини кутиб аскарларини кўпайтиришлари мумкин эди. Бирок турклар Мохачда кўринишлари билан, қирол уларга хужум қилишни буюрди. Сулаймон I венгер отликларига туркларнинг биринчи линиясини ёриб ўтишга имкон берди, қиролнинг отликлари яничар бўлинмалари билан тўқнашувга киришганда, артиллерия қутилмаганда уларни ўққа тутди. Венгер кўшини бутунлай қириб ташланди. Қирол ҳам ҳалок бўлди. Мохач ўт кўйиб таланди.

Мохачдаги галаба туркларга Венгрия пойтахтига йўл очди. Жангдан икки ҳафта ўтгач Сулаймон I Буда шаҳрига қирди, шаҳар жангсиз таслим бўлди. Ўзини вассал деб тан олган Янош Запольяи қиролга айланди. Кейин турклар ўзи билан минглаб асирларни олиб ортга қайтишди. Венгрия жуда катта зарар кўрди, 200 мингдан ортиқ одам, яъни аҳолининг 1/10 қисми ҳалок бўлганди. Султон кўшини Венгрияни тарк этиши билан, Янош ва австрияпараст венгер феодаллари ўртасида тахт таллашиш бошланди. Эрцгерцог Австрийский Будани босиб олди. Запольяи султондан ёрдам сўради. Бу султоннинг Венгрияга янги юриш қилишига олиб келди.

1527 - 1528 йилларда турклар Босния, Герцоговина ва Славонияни эгаллашди.

Султон Кичик Осиёдаги галаёнларни бостиргач Австрияга зарба бериш ва Янош Запольяи ҳукуматини тиклаш учун Венгрия юришига тайёрлана бошлади. 1529 йил сентябрида турклар Запольяи бўлинмалари қўллаши туфайли Будани қўлга қиритишди ва султон одамлари венгер тахтига ўрнатишди. Кейин султон кўшинлари Венага юрди. Турклар 1529 йил 27 сентябрдан 14 октябргача Венани Камал қилишди. Қалъа деворлари жуда қучли, 20 минг химоячи ва 70 тўп бор эди. Сулаймон I 120 минг кишилик кўшин ва 300 тўпга эга бўлган. Дунайдаги турк флоти ҳам кўплаб жангчилари бор эди. Турклар қалъа деворларини портлатишга уринишди. 9 октябрь куни деворнинг бир ери портлатилгач, ёриклар пайдо бўлди. 3 кун мобайнида турклар мана шу ердан қиришга ҳаракат қилишди, бироқ олға юришнинг имкони топилмади. Султон 14 октябрь куни ҳал қилувчи хужумга буйруқ берди. Лекин шаҳарни қўлга қирита билмадилар. Бу вақтда туркларда озик-овқат танқислиги сезила бошлади. Қурбонлар сони 40 мингга етиб қолганди. Султон 16 октябрь куни Венадан чекинишга буйруқ берди. Турклар орқага

кайтишда ўзи билан 10 мингга якин кишини асир килиб олиб кетишди.

1530 йили Австрия ва Усманийлар давлати ўртасида тинчлик музокаралари олиб борилди, бироқ султон Фердинандни венгер кироли деб тан олмади. 1532 - 1533 йилларда Сулаймон I тўртинчи марта Венгрияга юриш қилди, лекин юриш испан кироли Карл V ва Мукаддас Рим империяси ҳукмдори томонидан тўхтатилди. 1533 йил 23 июль куни Истанбулда турк-австрия тинчлик битими имзоланди. Битимга биноан, ҳар йили султонга ўлпон тўлаш ва султон вассали Янош Заполяя бошқараётган Шаркий Венгрияга ҳужум қилмаслик шарти билан Гарбий ва Шимоли-Гарбий Венгрия Австрияга ўтди. Бу битим амалда Венгриянинг иккига бўлинганини билдирарди.

Сулаймон I даврида турк кўшини бир неча марта Шаркка юриш қилди. 1533 - 1535 йилларда Сулаймон Эрон билан уруш олиб борди. Турклар Табризни уч марта эгаллашди. Тахмосп I кўшини туркларга жиддий қаршилик кўрсатолмади. 1534 йил декабрда султон кўшинга шахсан ўзи бошчилик килиб Багдод ва бутун Ирокни қўлга киритди. Багдод аҳолиси Сулаймон I ни ҳурмат билан кутиб олди. Ирокда шиаларга қарши қайфият қучайди.

1529 йили Марказий Ирокда сафавий ноибига қарши кўзғолон кўтарилганди. Кўзғолончилар Багдодни олиб, уларнинг раҳбари Зулфикорбек шаҳар қалитларини султонга топширди ва унинг номидан пул зарб қилишни йўлга қўйиб, Ирокни султон ҳимоясига олишни сўраб элчилар жўнатди. Султон Австрия билан урушда банд бўлгани учун ҳеч қандай ёрдам кўрсатмади. Тахмосп I кўшини кўзғолончиларни енгган, лекин шиаларга қарши қайфият пасаймаганди.

Султонга Басра, Хузистон, Луристон, Бахрайн ва Форс кўрфазининг жанубий сохилларидаги майда амирликлар бўйсунди (Басрани турклар 1546 йили эгаллашган). Сулаймон Багдодда тўрт ой бўлди. У суннийларга ҳукмронлик мавқеини қайтариб берди. Ирок ҳудуди, Усманийлар давлатида бўлгани каби, иёлотлар (вилоятлар)га бўлинди, солиқ солиш ва ердан фойдаланиш усманийлар тизимига мосланди. Султон 1535 йили Ирокда 32 минг кишилик кўшин қолдириб Багдодни тарк этди. Багдодда минг нафар яничар ҳам қолдирилди. Кейин султон Табризга қайтиб, аскарларига пул мукофотлари таркатди.

XVI асрнинг 30 - 70-йилларида Тунисда усманийлар ҳукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қилинди. 1533 йили Хайриддин Барбаросса усманийлар флоти кўмондони - капудан пошшо этиб тайинланди. 1534 йили 80 та кема ва 8 минг аскардан иборат Хайриддин Барбаросса бошчилигидаги турк эскадраси Тунис шаҳрига етиб келди. Киска тўқнашувдан сўнг ҳафсийлар пойтахти кулади. Туниснинг бошқа шаҳарлари туркларга жангсиз топширилди. 1535 йили султон бир қатор шаҳарларда турк гарнизонларини жойлаштирди. Ўша йили туркларга қарши бадавий қабилалар исён кўтарди, Кайрувон жангида султон артиллерияси уларни саросимага солиб пароканда қилди. Мағлубиятдан сўнг бадавийлар султон ҳукумати тани тан олишди. Шу пайтда Тунис ички ишларига Карл V аралаша бошлади. У Тунис сохилларига 30 минг аскарли 400 кемадан иборат катта флот жўнатди. 1535 йил июлдаги жангда Карл V кўшини Хайриддин Барбаросса бошчилигидаги туркпарни енгди. 21 июль куни испанлар Тунис шаҳрини эгаллашди. Улар

шахарни аёвсиз талади, масжид, Мадраса ва кутубхоналарни вайрон килди. Боскинчилар киргинда болалар ва аёлларни ҳам аяшмади. Ўша кунларда шаҳарнинг учдан бир аҳолиси халок бўлди. Ўн минглаб кишилар кулликка солиниб хайдаб кетилди. Пойтахтни кўлга киритгандан сўнг испанлар Туниснинг шимоли-шарқини тўла босиб олишди, жумладан, Бизерту шаҳрини ҳам. 1535 йил августида Карл V армадаси Тунисни тарк этди, лекин денгиз бўйидаги шаҳарларда испан гарнизонлари қол-дирилди.

1536 йили Сулаймон I узок йиллардан бери Италия ҳудудини назорат қилиш учун Карл V билан урушаётган француз қироли Франциск I билан яширин битим тузди. Жазоирлик денгизчилар энди Франциянинг жанубида эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

1537 йили жазоирийлар Ўрта ер денгизида ҳарбий ҳаракатларини бошлаб юборишди. Хайриддин Корфа оролини талади, Апулия соҳилига ҳужум қилди ва Неаполга таҳдид солди.

30-йилларнинг иккинчи ярмида турк кўшини Жануби-Шарқий Европада ҳарбий ҳаракатлар олиб борди. 1538 йили Молдова яна бир марта таланди. Сулаймон I ҳар йили ўлпон тўлашга рози бўлган маҳаллий боярлардан Молдова ҳуқумати бошлигини тайинлади. Шундан сўнг Сулаймон I Прут ва Днестр дарёлари орасидаги Бессарабия ерларига ўрнашиб, ўша пайтда Польшага қарашли бўлган Украинага қарши плацдармга айлантирди.

1538 йили Венеция Карл V ва Рим папаси билан иттифок тузиб туркларга қарши уруш эълон қилди, жанглар, асосан, денгизда олиб борилди. Икки йил мобайнида (1537 - 1539) турк флоти Хайриддин Барбаросса бошчилигида Венецияга қарашли Занте, Эгина, Чериго, Андрос, Парос, Насос каби 20 дан ортиқ оролни эгаллади. Турклар Далмацияда қишлоқ ва шаҳарларни талашди. 1538 йил 28 сентябрда бўлган денгиз жангларининг бирида Андреа Дореа бошлиқ иттифокчи душманларини тор-мор қелтиришди. Бу уруш (1535 -1540) натижасида Усманийлар давлатига Далмациянинг бир қанча шаҳарлари ўтди. Венецияликлар эса султонга қатта миқдорда ўлпон тўлашга мажбур бўлишди.

Яманни бўйсундириш узокка чўзилди. 1517 йили Яман Мисрдан қочган мамлуклар ҳукми остига тушганди. Шундан кейин усмоний султонлар Яманга бир неча бор ҳарбий гуруҳлар юборишди. Баъзан мамлуклар ва зайдий шиалари ўртасидаги қурашга аралашиб туришди, баъзан португаллар босқинига қарши қурашда Хадрамавтдаги Касирийлар салтанатига ёрдам бериб, Ямандаги воқеаларга таъсир ўтказишди. 1538 йили турклар Жанубий Арабистон ва Хиндистонга юриш бошлади. 13 август кунини турк флоти Сувайшдан чиқди ва 3 август кунини Аданга етиб қелди. Маҳаллий ҳукмдор Амир уларни яхши қутиб олди, бироқ мачтада дорга тортилди. Адан истило қилиниб, шаҳар таланди. Хиндистонга муваффақиятсиз юришлардан кейин турклар бутун Яманни кўлга қиритишди ва у ерда турк бошқа-рув тизимини жорий қилишди. Яман султон давлатига қўшиб олинди, Хадрамавт ҳукмдори эса Сулаймон I нинг вассали бўлиб қолди. Бироқ Яманнинг тоғли минтақалари аҳолиси турк давлатини қўлламади.

Ямандан сўнг турклар Гужаротга юриш уюштириб португалларга қарашли Диуни қамал

килишди. Махаллий мусулмонлар туркларга ёрдам берди. Калъа таслим бўлишига якин колганди. Бирок португаллар ёрдамга келаётгани хакида хабар таркалди. Гужаротликлар шартномани бузиб туркларни кириб ташлади. Шундай килиб, султоннинг Хинд океанидан европаликларни кувишга уриниши муваффақиятсиз чикди, лекин курукликдаги жангларда турклар галаба кетидан галабага эришишарди.

1540 йил 20 октябрь куни султон Венецияни сулх тузиб Хайриддин томонидан эгалланган худудларни, шунингдек, Мореядаги Наполи ди Романо ва Мальвазияни топширишга кўндирди. Колаверса, 30000 дукат товон тўланди. Ўрта ер денгизида хукмронлик Лепанто жангигача (1571) турклар кўлига ўтди.

1541 йили Австриянинг туркларга карши курашини кўллаб-кув-ватлаётган Карл V Шимолий Африкада усмонийларга зарба беришга харакат килди. 1541 йил 19 октябрда 500 кемадан ва 24 минг кишилик кўшиндан ташкил топган армадаси Ал-Жазоир шахрига рейд уюштирди. Турк ноиб Хасан оганинг кўл остида 10 мингга етар-етмас аскар бор эди. 25 октябрь куни Карл V кўшини шахарни камал килиш учун харакат бошлади. Об-хаво бунга халакит берди. Кечга якин бўрон кўтарилди ва испанларнинг учтадан битта кемаси сохилдаги кояларга урилди. Бўрон пайтида испанлар артиллериясидан махрум бўлди. Порох ивиб яроксиз холга келди. Шунга карамай, Карл V ва унинг лашкарбошиси герцог Альба Ал-Жазоирга хужум ки-лишди. Хамма хужумлар катта талафотлар эвазига бартараф этилди. Уч кун ёккан жала кўшинни ёмон ахволга солиб кўйди, озик-овкат бузилди. 150 кемаси ва 12 минг аскардан айрилган кирол кайтишга буйрук берди. Бу муваффақиятсизликдан сўнг Карл V Ал-Жазоирда Усмонийлар давлати хукмронлиги ўрнатилишига рози бўлди.

1540 - 1547 йилларда султон кўшини Венгрияга карши яна уруш олиб борди. 1541 йили улар тагин Будани олишди. 1543 йили эса Эстерг калъасини кўлга киритишди. Будада яничарлар гарнизони жойлаштирилди, турклар томонидан эгалланган Венгриянинг бошка жойларида хам турк маъмурияти иш бошлади. Бу сафар Буда учун бўлган курашга 1547 йили Эдирнада имзоланган шартнома нукта кўйди. Шартнома бўйича, Венгер кироллиги 3 қисмга бўлинди -Гарбий ва Шимолий Венгрия габсбурглар хукмронлиги остида колди, Марказий Венгрия турк ноиб томонидан бошкариладиган бўлди. Шаркий ерлар, жумладан, Трансильвания султон вассаллигида колди. Трансильвания учун кураш 1551 - 1562 ва 1566 - 1568 йиллардаги турк-австрия урушлари келиб чиқишига сабаб бўлди. Бу уруш давомида турклар Темешвар (1552), Эгер (1553), Сигетвар (1566) ва бошка калъаларни кўлга киритишди. Эрлау калъаси гарнизони каттик каршилик кўрсатди. 38 кунлик камалдан сўнг турклар калъани кўлга киритиш ниятидан воз кечишди. Бу урушлар Австрия ва Усмонийлар давлатининг венгер ерларидаги чегараларига ўзгариш киритмади.

Франция Европа жамоатчилиги босими остида Усмонийлар давлати билан иттифокни узишга мажбур бўлди. Лекин турк флоти 1543 йили Ниццани олишда, 1553 йили Корсикани эгаллашда французларга ёрдам берди.

Усмонийлар давлати ва Москва давлати ўртасида вазият кескин эди. Бунга асосий сабаб Москва давлатининг Крим хонлиги билан уруш холатида бўлганидир.

1547 - 1548 йилларда Яман ва Хадрамавтнинг турли ерларида кўзголонлар юз берди, лекин султон кўшинлари бу исёнларни бостирди. Султон Гарбда тинчлик сулхи тузгач эътиборини Шаркка қаратди. Ширвон ноиб Тахмосп I нинг укаси Апкасининг шохга қарши курашгани султоннинг кейинги юришларида фойда келтирди. Сафавийлар давлатида тахт таллашиш бошланди. Алкас шох кўшинидан енгилгач Истанбулга бориб султон саройидан панох топди ва Сулаймон I дан ёрдам сўради. Харбий ҳаракатлар яна бошланди. 1548 йили султон кўшинлари Жанубий Озарбайжон ҳудудидан ўтиб, яна Табризни эгаллади (шох пойтахтни Казвинга кўчирди). Эрондаги турк аскарлари Кум ва Кошонгача бориб, Исфахонни забт этишди. Уша йили турклар бир неча кунлик камалдан сўнг Ван қалъасини эгаллаб, Жанубий Арманистондаги Ван кўли хавзасини истило қилишди. Шаркий Арманистон ва Жанубий Грузияга ҳам юриш уюштирилди. 1552 йили Ереванни, 1554 йили Нахичеванни олишди.

1555 йил май ойида Амасьяда сулх тузилди. Сулҳга кўра, Ирок Усманийлар давлатига ўтди, бироқ Озарбайжон Эрон таркибида қолди. Грузия гарби (Имеретти) ва Арманистоннинг гарбий минтақаси султон, шаркий минтақалари Эрон ҳукмига ўтди. Уша даврдан бошлаб узок йиллар Арманистон ва Грузия Усманийлар давлати ва Эрон ўртасида талаш бўлиб, маҳаллий аҳолига катта зарар келтирилди.

1547 - 1554 йилларда усманийлар флоти бир неча бор португал флотига талафот етказди. 1550 йили турклар Катифни португаллардан тортиб олишди. 1552 йили турк эскадраси 30 та кемада 16 минг аскар билан Сувайшдан Уммон сохилларига йўналди. 1552 йили икки ҳафталик ўққа тутишдан сўнг португалларнинг йирик қалъаси-Маскат эгалланди. Лекин 1553 йили португаллар турк эскадрасини Хурмуз бўғозида, 1554 йил августда Маскатда енгилди. Бу ҳудуддаги денгиз ҳукмронлиги Португалия кўлида қолди.

Кейинчалик Усманийлар давлати ва Испания ўртасидаги узок муддатли кураш тунислик зодагонларнинг турклардан ёки испанлардан панох излаб ҳаракат қилишига боғлиқ бўлиб қолди. Ўттиз йилга яқин испан ва турк кўшинлари ўртасида тўқнашувлар юз бериб турди. Турклар томонидан Мальта рицарларининг тор-мор этилиши ва Ливиядаги Триполининг эгалланиши (1551 йил август) ҳамда Триполитаниянинг эгалланиши сабабли, Тунисда усманийлар ҳукмронлигини ўрнатиш мумкин бўлди. 1553 йили ваттосийлар сулоласини ағдариш учун Марокашга юриш қилишди, лекин режа амалга олмади.

1555 йили Сулаймон I кўшини Суданга юриш бошлади. 1556 -1557 йилларда Суданда усманийлар ҳукмронлиги ўрнатилди. Кейин султон кўшини Африкадаги Кизил денгиз сохилларини истило қилди. 1557 йили Эфиопиянинг асосий бандаргохи Массаяуани забт этди. 1558 - 1559 йилларда турк кўшини бир неча бор Эфиопияга ҳужум қилиб Шимолий Эритрея устидан тўлиқ назорат ўрнатди. Турк-эфиоп уруши танаффуслар билан 1572 -1589 йилларда давом этиб, туркларга янги ҳудудлар келтирмади.

1565 йили турклар Мальта рицарлари жойлашган қалъани тўрт ой камал қилишди, 20 минг аскар ҳалок бўлса-да, жанг уларга галаба келтирмади. Мальталикларга испанлар эскадраси ёрдамга келгани-дан кейингина, турклар Мальтадан кетишди.

"Шаркнинг машхур сулолалари" китобидан